

Касб-ҳунар соҳиби асло хор бўлмас

Институтимизда хотин-қизлар масаласи доимо энг долзарб ҳисобланиб келинган ва бунинг самараси ўлароқ бир қатор ишлар қилинмоқда. Бундай ишларнинг мантиқий давоми сифатида Ушбу муҳим вазифани ижро этиш бугунги кун талабидир. 31 - март куни 2-Талabalар турар жойида Институт Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Р.Чориев, Хотин - қизлар масалалари бўйича маслаҳат кенгаши раиси З.Исмаилова, ТТЖ директори И.Бухоров, Талabalар турар жойлари кенгаши раиси Ж.Саидаҳмедов, Педагог-тарбиячи Д.Шукурлаева ҳамда “Гидромеллиоратсия ишларини механизатсиялаш” факултети талабаси Собиржонова Дилшодалар бошчилигига 2 - ТТЖда 5 та муҳим ташабbus ижроси юзасидан бир қатор амалий ишлар бажарилмоқда.



Хусусан, 5 - ташабbus хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларни касб-ҳунарга ўргатиш бўйича ташкил этилган "Пазандачилик" тўгарагининг очлиш маросими бўлиб ўтди. 2-Талabalар турар жойида фаолият кўрсатаётган "Пазандачилик" тўгараги раҳбари Гидромеллиоратсия ишларини механизатсиялаш факултети Собиржонова Дилшода ва унинг шогиртлари, "Пазандачилик" тўгараги иштирокчилари томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси бўлиб ўтди.



Ибратли қизлар тўгарак фаолияти билан Институтимиз барча Факултет деканлари ва ўринbosарлари хотин-қизлар кенгаши аъзолари келиб танишди. Тадбир охирида йиғилганларни ҳаммасига пазандачилик тўгараги иштирокчилари 3-4-Талabalар турар жойи Педагог-тарбиячилар Азиза Хайтова, Исақулвува Наргиза, факултет деканлари ва ўринbosарлари, Талabalар турар жойи талabalariга меҳмонлар ҳамда йиғилганларга ўз қўллари билан тайёрланган турли хил ширинликлар улашишди.



Тўгарак аъзоларининг тайёрлаган ишларини юқори баҳолашди ва уларга омад тилашди. Биз эса қизларимизга омад тилаб, талаба қизларимизни фаолиятини кузатишда давом этамиз. Биздан асло узоқлашманг.

Талabalар турар жойлари кенгаши раиси Саидаҳмедов Жаҳонгир ахбороти

ТИҚҲММИ матбуот хизмати